



Assalomu alaykum, azizlar!

BESHARIQ TONGI

Gazeta 1932 yil 15-maydan chiqqan boshlagan.

2022 YIL 12-FEVRAL
SHANBA, № 6 (8991)
(Bahosi kelishilgan narxda)

Beshariq tumani
hokimligining ijtimoiy-
siyosiy nashri

Gazeta haftada bir
marta chiqadi

КЕЛГУСИ 5 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Президент фармони билан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Унга кўра, 2026 йилгача эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинади. Қолаверса, 2023 йилдан ҚҚС 12 фоизга чуқурилади.

Президент Шавкат Мирзиёев «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Адлия вазирлиги хабар беришича, ҳужжат билан «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойили асосида ишлаб чиқилган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

2026 йилгача эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинади. Жорий йил 1 апрелдан эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1–4-синф ўқувчилари бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминланади.

2023 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилишда иш ҳақининг максимал миқдори

пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан 12 баробаригача оширилади.

Дастурга мувофиқ, иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш доирасида 2022 йилда инфляцияни 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ва фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилади. 2026 йил якунигача банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқарилади.

2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи 12 фоизгача ва банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик учун фойда солиғи 15 фоизгача туширилади.

2026 йилгача энергия самардорлиги 20 фоизга оширилади ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар 10 фоизга қисқартирилади.

Шароити «оғир» бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги тадбиркорлар учун айланимдан олинган 100 гектар 1 фоиз, ер солиғи, мол-мулк солиғи ҳисобланган суммадан 1 фоиз ставкада тўлаш тизими жорий этилади.



2025 йил 1 июлдан тадбиркорликка оид барча мажбурий талаблар ягона электрон реестри ишга туширилади.

2022 йил 1 апрелгача лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш соддалаштирилади. Жумладан, муайян фаолият билан кўчма тартибда, автотранспорт орқали шуғулланиш имконияти яратилади.

25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар (суюлтирилган газ етказиш, нефть маҳсулотларини сақлаш ва бошқалар) тугатилади.

ЎЗБЕКИСТОН-ТОЖИКИСТОН

2022 йил 5 февраль кунини Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида Тожикистон билан чегарадош «Андархон» авто-йўл чегара божхона пости очилди. Икки қардош давлат фуқаролари қўшни республикага кириб чиқишлари учун 24 соатлик иш фаолиятига ўтилди.

«АНДАРХОН» ПОСТИ ОЧИЛДИ

«Андархон» авто-йўл чегара божхона пости 2020 йил март ойидан коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ёпилган эди. Икки йиллик чекловдан сўнг Фарғона вилояти ҳокимлигининг ташаббуси натижасида қўшни Тожикистон билан яна ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу эса жорий йилда Қўқон эркин иқтисодий зонасига қарашли «Андархон» божхона пости ақинида қурилиши режалаштирилган савдо логистика маркази қурилишини лойиҳалаштираётган тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилишида пойдевор вазифасини ўтайди.

Хусусан, бу икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, савдо чекловларини бартараф қилиш билан боғлиқ масалаларнинг ечилиши, фуқаролар ҳаракати соддалаштирилишига ҳамда товарларни ташиш учун қулай имкониятларга гаров бўлади.

Шунингдек, азалдан қудда-анда бўлган бу икки қўшни мамлакат аҳолисининг борди-келди қилиши, қадрият ва қардошлик анъаналарини яна давом эттириб, дўстона кайфиятда яшашлари таъминланади.

Хорижга чиқиш фуқаролик паспорти бор фуқароларимиз 24 соат мобайнида қўшни Тожикистон Республикасига ўтишлари мумкин. Чегарадан ўтувчилар карантин талабларига қатъий риоя этишлари талаб этилади.

Чегара очилиши муносабати билан туман ҳокими Р. Жўраев Андархон чегара ўтказиш масканида бўлди. Ҳар икки томонга ўтувчи фуқаролар билан мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикасидан қўшни Тожикистон Республикасига ўтувчи фуқаролар ўзлари билан 5000 АҚШ долларигача бўлган хорижий валютани олиб ўтишлари, шунингдек, 5000 АҚШ доллари эквивалентидаги товарларни олиб ўтиб, савдо-сотиқ қилишлари мумкин.

С. ТЕМИРОВ.

ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ ВА ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

ТУМАН ҲОКИМИ Р. ЖЎРАЕВНИНГ ФУҚАРОЛАРГА, МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИГА МУРОЖААТИ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

ЮРТДОШЛАР!

ҚАДРЛИ БЕШАРИҚЛИКЛАР!

Болалигимиздан ота-боболаримиз, буви, момоларимиз озодлик, ободлик учун қайғуришган. Уйимиз, ҳовлимиз, кўчамиз, маҳалламизни тоза сақлашни қўлоғимизга қайта-қайта кўйишган. Ҳовлимиздан ёки кўчамиздан оқиб ўтадиган ариқ, сув бўйларига чиқинди ташламасликни, бу иш гуноҳ бўлади, деган иборани бот-бот такрорлашган. Сўпириб, сидирилган, сув сепилган кўчаларни кўрган кишилар бу хонадонда ёки кўчада фариштали опасингиларимиз, келинлар яшайди, дея баҳо беришган.

Қишининг чилласи чиқиши билан боболаримиз ёнларига ўғил набираларини олишиб, ҳовлисига, йўл ва кўча бўйларига кўчат экишган. Айниқса, оилада ўғил фарзанд туғилса, яхши ният билан келажакда унга уй қураман, дея терак кўчатларини экишган. Дарахтларга шакл бериб, қуриган шохшаббаларини олишиб, ораларига кўчат экишган. Мабодо бир туп дарахт кесилса, ўрнига ўн туп экишни одатга айлантиришган.

Афсуски, кейинги йилларда бу одатларимиз, анъаналаримизга беписандлик, эътиборсизлик

ҳолатлари кузатилмоқда. Атроф-муҳитни сақлаш, экологик маданиятни ошириш масалаларини унутиб қўймоқдамиз. Ота-боболаримизнинг сувга туپурма, деган ҳикматли ўғитини унутиб, чиқинди ва ахлатни ташлаяпмиз. Ҳовли, кўча-кўйларни саранжом-сарихта қилиш ўрнига йўл бўйларига ҳар хил қурилиш материаллари, чиқиндиларни уйиб қўйиш, ташлашни одатга айлантирмоқдамиз.

АЗИЗ ТУМАНДОШЛАР!

Муқаддас динимизда ҳам тозалик, поклик имондандир, дейилган. Ҳар биримиз бунинг чуқур аңлаган ҳолда иш тутсақ, аввало, ўз саломатлигимизга, қолаверса, атрофимиздагиларга наф келтиришимизни унутмайлик. Тозалик бор жойда фаришта бор. Ҳаётимизга кут-барақа, фаровонлик, омонлик олиб келади.

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Хабарингиз бор, 2021 йилнинг ноябрь ойида муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида катта ва хайрли ишга қўл урилганди. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси эълон қилиниб, 200

миллион туп дарахт кўчатлари экиш бошланган эди. Бу эзгу ташаббусга қўшилган туманимиз аҳолиси, ташкилот ва муассасалар, маҳаллалар, кенг жамоатчилик вакиллари кўчат экишга киришдилар. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан чекка ҳудудларимиздан бири — Шодақозик массивида 100 гектар ер барханлар бағридан тортиб олиниб, ўзлаштирилди. Тик артезиан қудуқлари қазилиб, сув чиқарилди. Кузда бу ерларга 284000 тупдан ортиқ кўчат ўтказилди. Экомарафон ўтказилиб, ҳашарчилар, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ёрдамида янгидан туп плантациялари ташкил этилди.

Қиш чилласи чиқиши арафасида, яъни 2022 йил 2 февраль кунини Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида экологик маданиятни ошириш, «яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар қўйилди. Юртбошимиз «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида келгуси беш йилликда 1 миллиард туп дарахт кўчати экишни мақсад қилиб қўйди. Шу йилнинг

1 мартдан «яшил йиллик» умуммиллий тадбири бошланишини эълон қилди.

Бу савобли ишни амалга оширишга ҳавас билан киришишимиз керак. Ҳозирдан ҳар бир ҳудуд ва маҳалланинг ер, иқлим, бошқа табиий шароитига мос дарахт кўчатларини танлаб экишимиз зарур. Автомобиль йўллари бўйларига ихота дарахтзорлари, ҳовли ва кўчаларимизга мева дарахт экишни бошлашимиз керак.

Ўтган кузда бошланган ишимизни давом эттириш, атроф-муҳитни кўламлиқлаштириш мақсадида Шодақозик массивидан яна 600 гектар ерни ўзлаштиришга киришдик. Туманимиздаги ташкилотлар, кенг жамоатчилик ёрдамида бу ерлар ўзлаштирилиб, экин ва кўчатлар экилади. Туман бўйича яна 355 минг туп кўчат экишни режалаштирганмиз.

АЗИЗ БЕШАРИҚЛИКЛАР!

Баҳорнинг бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. 1 мартдан бошланадиган «Яшил йиллик» умуммиллий тадбирига пухта ҳозирлик кўрайлик. Маҳалламиз, кўчаларимиз, ҳовлимиз ободлиги

учун кўламлиқлаштириш ишларида фаол қатнашайлик. Туманимизда мева ва манзарали дарахт кўчатлари етиштириш яхши йўлга қўйилган. Бозорларимизда ҳар хил кўчатлар савдоси йўлга қўйилган. Ҳар биримиз ўз хонадонимизга мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш имкониятига эгамиз. Агар 10 тупдан кўчат экканимизда ҳам ўртача ҳисобда 500 минг тупдан ортиқ кўчат ўтказамиз.

Йиллар ўтиб, унинг мевасидан, соясидан баҳраманд бўламиз. Асосийси, мусавфо атроф-муҳитни яратамиз. Келажак авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда ҳаёт кечиришади. Бунинг учун биз, эътиборли ва масъулиятли бўлайлик. Яқин ва узоқ келажакимиз учун муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

Умид қиламанки, ушбу муурожаатимни қўллаб-қувватлайсизлар. Бешариқни гўзал ва яшил масканга айлантиришда фарзандлик бурчингизни сидқидилдан адо этасизлар!

Барчани «яшил йиллик» умуммиллий тадбирларида фаол иштирок этишга чорлайман.



ХАБАРДОРМИСИЗ?

2022 йил 1 ФЕВРАЛДАН: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида имтиёзлар

2025 йил 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширган корхоналарга, мазкур лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи миқдорида субсидия ажратилади. Бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ҳамда ип-калава ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилувчи корхоналарга бошланғич 15 фоиз тўловни тўлаш учун хорижий валютада 7 йил муддатгача 3 йиллик имтиёзли давр билан белгиланадиган депозит ставкасига банкнинг 1 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда кредит ажратилади. Бўялган мато, газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга хорижий валютада \$3 млн.дан ортиқ бўлмаган миқдорда экспорт олди молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағларни тўлдириш учун кредит ажратилади. Бўялган мато, газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини реализация қилишдан тушган умумий тушумда ушбу маҳсулотларнинг камида 80 фоизини экспорт қилган корхоналарга:

- ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлаш;
- уч йил муддатгача юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўловини кечиктириш ҳуқуқи берилади.

Фармацевтика

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 75 фоизи фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасидан қоплаб берилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар касб-ҳунарга ўқитилади

Улар учун барча ҳудудлардаги касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда ногиронлиги бўлган шахсларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича ҳар чоракда қисқа муддатли курслар, "Ишга марҳамат!" моно-марказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун тавсия этилган ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар, хорижий тил, компьютер саводхонлиги ва компьютерда дастурлаш асослари бўйича доимий равишда ўқув курслари ташкил этилади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида рейтинг баҳолаш тизими

Ушбу тизим эксперимент тариқасида, ўз фаолиятида коррупцияга қарши менежмент тизимини жорий этаётган 26 та давлат ташкилоти фаолиятига, 2022 йил 1 июлдан бошлаб барча давлат ташкилотлари фаолиятига жорий этилади.

Балиқчилик учун ускуналар ишлаб чиқарувчиларга қўшимча имтиёзлар

2025 йил 1 январга қадар балиқчиликни интенсивлаштириш учун зарур бўлган асбоб-уску-

налар ва технологиялар (аэратор, бассейн, автокормушка) ҳамда қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, бироқ даромадининг 80 фоизидан ортиғини ушбу ускуналарни ишлаб чиқаришдан оладиган субъектлар учун фойда солиғи, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахсларга ўз хонадонда балиқ етиштиришга рухсат берилди.

Чет тили ўқитувчилари учун устамалар

Таълим тили рус тили бўлмаган умумтаълим муассасалар, (синфлар)да фаолият юритаётган камида C1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга рус тили фани ўқитувчиларига 50 фоиз устама тўланади. Бунда «Test of Russian Foreign Language» (TORFL) халқаро сертификатининг C1 даражаси, «Тест по русскому языку как иностранному» (чет тили сифатида рус тилидан тест) халқаро сертификатининг TRKI 3 даражаси, шунингдек, «Тест по русскому языку как иностранному» халқаро сертификатининг C1 даражаси ҳамда «The Common European Framework of Reference for Languages» методикаси бўйича C1 даражадаги сертификатлар ўзаро мувофиқ ҳисобланади.

Фурқат СОБИРОВ,
жиноят ишлари бўйича туман суди раиси.

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ



“Тадбиркорлар уйи”да ишбилармон ва тадбиркорлар муурожаатлари эшитилди. Қабулга келган 6 нафар тадбиркорлик субъектлари вакиллари туман ҳокими Р. Жўраев томонидан қабул қилинди. Тегишли туман

ташкилотлари томонидан уларнинг муурожаатларига жавоблар берилди.

СУРАТДА: тадбиркор муурожаатига ечим топилди.
Ф. ЗОКИРОВ олган сурат.

МУНОСАБАТ

2022 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди.

СУДГА ИШОНЧ ЁКИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ШУ СОҲАДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ҚАРОРИГА ДОИР

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан маъмурий судлар янада ихтисослаштирилиб, энди маъмурий судларда фақатгина оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низоларгина кўриб чиқиладиган бўлди. Содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, оммавий ҳуқуқий муносабатлар деганда, бир томондан, жисмоний ёки юридик шахслар иштирокида, иккинчи томондан, давлат бошқаруви органлари иштирокидаги ёки бир давлат бошқаруви органининг бошқа давлат бошқаруви органи ўртасидаги маъмурий ҳуқуқий муносабатлари тушунилади. Масалан, бирор-бир муурожаатчи туман ҳокимининг қайсидир қарори қабул қилиниши натижасида ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини бузилган, деб ҳисобласа, бу борада ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан маъмурий судга муурожаат қилиши мумкин.

Президентимизнинг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга асосан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида маъмурий судлов тизимига бир қанча ўзгаришлар киритилиши белгиланди. Хусусан, маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаган, оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ваколати фуқаролик судларидан маъмурий

судларга ўтказилиши, шунингдек, ривожланган демократик мамлакатларда кенг қўлланилаётган жаҳон стандартларига мувофиқ медиация тизимини маъмурий судларга ҳам жорий этиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, оммавий муносабатларда маъмурий судларнинг роли янада кучайтирилиб, давлат органлари ёки ташкилотларига маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорини қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой давомида ижро қилиш ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш мажбурияти юкланиб, башарти, давлат органлари ёки ташкилотлари иш бўйича суд ҳужжатини ўз вақтида ижро қилмаса, давлат органлари ёки ташкилотларининг мансabdор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш билан бирга ҳал қилув қарорининг тақроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансabdор шахсларига нисбатан дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш белгилаб қўйилди. Бу билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг муурожаатларини мансabdор шахслар томонидан ўз вақтида ва оғишмасдан бажарилишига эришилади.

Юқоридаги қарор билан яна бир ўзгариш киритилиши кўзда тутилдики, бу ҳам бўлса, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ортиқча вақт ва сарф-харажат қилишининг олдини олиб, уларга янада кўпроқ енгилликлар яратади. Яъни судлар томонидан муурожаатчининг даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тутатиш функцияси бекор қилинди. Бунда судлар томонидан даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш белгиланди.

Э. ИСМОИЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро суди раиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 17 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда маъқулланган “Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексининг 245- ва 245^б-моддаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 11 январь кунли имзоланди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексига муайян ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 245-модданинг биринчи қисмидаги «43» рақами «43 (бундан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилди. «197²» рақами «197², 197³» рақамлари билан алмаштирилди, «200²» рақами «200² (бундан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан ал-

ИНСОН ВА ҚОНУН

КОДЕКС ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

маштирилди, «241¹ — 241⁸ ва 241¹⁰» деган сўзлар «241⁵ ва 241⁷» деган сўзлар билан алмаштирилди.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 245^б-моддаси тахрирда шундай баён этилди: “245^б-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони ходимлари”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ушбу Кодекснинг 43 (тадбиркорлик субъектларининг муурожаатлари қисмида), 200² (тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилиши қисмида), 241¹-241⁴, 241⁶, 241⁸, 241¹⁰-моддаларида назарда

тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда жарима тарзидаги маъмурий жазоларни қўллашга унинг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони бош инспекторлари ҳақлидир.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

У. АҲМЕДОВ,
Фарғона вилояти маъмурий суди судьяси.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш, жамоат саломатлигини сақлашда касалликлар профилактикаси, иммунитетни мустаҳкамлаш, бунинг учун, аввало, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш устувор вазифага айланмоқда.



ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ

Айниқса, коронавирус пандемияси давом этаётган бир даврда касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва даволашда санитария-эпидемиология хизмати билан бирламчи тиббий-санитария муассасалари ўртасида тузилмавий боғлиқлик ва ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолиятни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ва “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунларига асосан ташкилотларда ходимларни дастлабки тарзда ва кейинчалик

(иш давомида) вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида касалликлар ва уларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини эрта босқичларда аниқлаш бўйича мақсадли тиббий кўриклар ва скрининг текширувларини ўтказиш белгилаб берилган.

Юқоридаги ҳужжатлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизма-

тини ривожлантириш агентлигининг вилоят филиали, Бешариқ тумани ҳокимлиги ҳамда туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида ташкилот-муассасаларнинг барча ходимлари бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Мазкур тиббий кўрикнинг биринчи кўнида тор мутахассис шифокорлар томонидан 40 нафардан ортиқ давлат хизматчилари соғлиғининг барқарорлиги кўздан кечирилди. Тиббий таҳлиллар ва юзма-юз мулоқотлар асосида уларга зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

С. ТЕМИРОВ.

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ

ДОЛЗАРБ 15 КУНЛИКДА

«Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ республиканинг фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш, касаллик ва зараркунандаларнинг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга тарқалишининг олдини олиш, уларга қарши оммавий кураш ишларини ташкиллаштириш мақсадида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан «Долзарб ўн беш кунлик» тадбирлари ўтказилмоқда.

Жорий йил 15 февралга қадар белгиланган долзарб чора-тадбирлар Фарғона вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси томонидан ҳам изчиллик билан олиб борилмоқда. Тадбирлар давомида цитрус ва помидор экинларининг ашаддий зараркунандалари бўлган цитрус инли қуяси, цитрус оққаноти ва помидор қуяси ҳамда помидор жигарранг

бужмайиш вируси касалликларини аниқлаш, назорат қилиш, қатъий кураш чораларини белгилаш мақсад қилинган. Ҳозирда вилоятда бошқарма томонидан рўйхатга олинган 126 гектар майдондаги иссиқхоналарда мавжуд цитрус ўсимликлар, помидор ва қалампир экинларининг фитосанитар хавфсизлиги ўрганилмоқда.

«Долзарб ўн беш кунлик»

чора-тадбирлар режасида ўсимликлар карантини объектлари аниқланган ҳолларда фермер ва деҳқон, ўрмон хўжалиқларининг ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ер майдонлари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портлари, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ҳамда уларга туташ ҳудудларни ўсимликлар карантини остида, деб эълон қилиш ёки уларда зарур карантин чекловларини ўрнатиш белгиланган. Мавжуд иссиқхоналарда карантиндаги ва бошқа зарарли организмлар аниқланса, туман ва шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимлари томонидан тегишли тартибда тезкор хабарномалар юбориш каби вазифалар қўйилган.

Чора-тадбирлар режасига мувофиқ туманимизда «Долзарб ўн беш кунлик» тадбирлари белгиланган меъёрлар асосида олиб борилмоқда.

Д. ҲОЖИБОВ,
Ж. АБДУРАҲИҚОВ,
Ўсимликлар карантини
давлат инспекторлари.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

5 ТА АСОСИЙ ТАМОИЛ

Аҳолини рўйхатга олиш қўйидаги бешта тамоил асосида амалга оширилади.

Даврийлик. Аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта амалга оширилади.

Умумий ва бир пайтдалик. Аҳолини рўйхатга олишнинг ягона белгиланган санасида шахс-

га доир маълумотларни йиғиш Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида бир пайтнинг ўзида амалга оширилади.

Рўйхатга олишнинг якка тартибдалиги. Шахсга доир маълумотлар йиғилаётганда, рўйхатга олиш варағи ҳар бир киши учун

якка тартибда тўлдирилади.

Шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги. Аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлари махфий бўлиши ва розилигисиз ошкор этилмайди.

Аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг марказлаштирилганлиги. Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ягона бошқарув тизимини яратиш асосида марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

А. АБДУҲАМИТОВ,
туман статистика бўлими
етакчи мутахассиси.

14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТУҒИЛГАН КҮН

“ЎРГАНГАЛИ ИЛМ ТОЛИБИ ИЛМ КЕРАК...”

Буюк теурийлар сулоласининг давомчиси бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби ва етук саркарда бўлиш билан бирга XVI аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири, заковатли тарихчи ва олим эди

Бобур ўзбек шеърятига улкан ҳисса қўшган Низомий, Хусрав Деҳлавий, Лутфий, Навоий анъаналарини давом эттирган шоир сифатида ҳам машҳур. У ўзининг 47 йиллик қисқа умри давомида катта ижодий мерос қолдиришга ҳам улгурди. Ёзул шеърый девон ва «Бобурнома»дан ташқари аруз вазнининг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган «Мухтасар» («Муфассал»), «Мубаййин», «Рисолаи волидия» номли шеърый асарлар, мусиқа илми ва ҳарбий иш ҳақида рисоалар ёзди.

«Хатти Бобурий»ни яратди. Хожа Аҳрори Валий Тошкандийнинг «Волидия» асарини форсийдан туркийга ўғирди.

Бобур барча фанлар бўйича чуқур билимга эга, ҳар соҳада баркамол шахс бўлганлиги туфайли унинг ижодий мероси ҳозирги замон ёшлари учун ибрат бўла олади. Чунки ҳозирги юксак тараққиёт даври-



да ёш авлоддан ана шундай серқирралик талаб этилмоқда. Зеро, Бобур Мирзо айтганидек:

**Ким ёр анга илм толиби,
илм керак,**

**Ўргангали илм толиби
илм керак.**

**Мен толиби илму толиби
илме йўқ,**

**Мен бормен илм толиби,
илм керак.**

Д. ОТАЖОНОВА,
25-мактаб ўзбек тили ва
адабиёти фани ўқитувчиси.

СТАТИСТИКА

ҚУВОНАРЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Бешариқ тумани статистика бўлими берган маълумотга кўра, туманда 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида асосий иқтисодий кўрсаткичлар ўсиб борди.

Жумладан, саноат ишлаб чиқариш 741,0 млрд. сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,1 фоизга ошди. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганимизда 3184,2 минг сўмга тўғри келди. Халқ истеъмоли моллари ҳажми 307,2 млрд. сўм, ўтган йилга нисбатан 100,5 фоизга тўғри келди. Аҳоли жон бошига 1320,2 минг сўм бўлди. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти ҳажми 1841,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9 фоизга ошди. Бу аҳоли жон бошига 7911,5 минг сўмга тўғри келди. Ўтган йилга нисбатан 103,3 фоизни ташкил этган. Асосий капиталга инвестициялар 924,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 103,5 фоизга тўғри келди. Аҳоли жон бошига 3974,0 минг сўм бўлди. Қурилиш ишлари 161,8 млрд. сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 152,3 фоизни ташкил этиб, бу аҳоли

жон бошига 695,3 минг сўмга тўғри келади. Бу ўтган йилга нисбатан 149,9 фоизни ташкил этди. Чакана товар айланмаси 545,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди. Жами хизматлар ҳажми 358,0 млрд. сўм, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,1 фоизни ташкил этди. Бу аҳоли жон бошига 1538,5 минг сўмни, 118,2 фоизни ташкил этган. 2021 йил январь-декабрь ойлари давомида экспорт ҳажми жами 11,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар (товар, хизматлар) хорижий давлатларга экспорт қилинди. Экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 71,4 фоизни ташкил этди. 38,1 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар импорт қилинди. Импорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 412,0 фоизни ташкил этади.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ - АМАЛДА

Президентимизнинг шу йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тарихий ҳужжат бўлди.



ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ВЕРТИКАЛ ТИЗИМИ

Қарор билан ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Ёшлар билан самарали иш ташкил этиш, маҳаллаларда уларнинг бўш вақтини мазмунли уюштириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш каби ишлар етакчилар зиммасига юкланди.

Ёшлар етакчилари ўзларига бириктирилган маҳаллаларда бир қатор йўналишларда тизимли ишларни амалга оширишга киришдилар.

Яккатут қишлоғидаги Бўстон

маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган тадбир маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, маънавият ва китобхонлик тарғиботи, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилди.

52-мактаб ҳовлисида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унга маҳалладаги ёшлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, фахрийлар таклиф этилди.

Маданият, санъат, адабиёт ихлосмандлари – ёш истеъдодлар ўз чиқишлари билан тўпланганларни мамнун этишди. Шу ердаги минн футбол майдончасида футбол мусобақаси уюштирилди.

Сиддик Али, Хуршид Каримов, Ўрмонжон Холйигитов, Ғайратжон Маматқулов, Дилшод Акбаров, Мухайё Алиева, Абдусайд Абдусаломов ва бошқа шоирлар ўз ижодларидан намуналар ўқишди. Барноҳон Абдужалилова, Наримон Давронов, Ҳамидулло Ҳожиқулов, Аҳрор Бердиқуловлар ўзларининг кўй-қўшиқлари билан тадбирга файз киритишди.

Биринчи сектор маркази – Яккатут қишлоғида ўтказилган мазкур тадбир кўргазмали-семинар тарзида ташкил этилди. Унда сектор раҳбарлари, ёшлар ишларига масъуллар қатнашди.

Сектор раҳбари, туман ҳокими тадбирда иштирок этди.

Р. МИРЗАҚУЛОВ,
“Бешариқ тонги” муҳбири.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Т. ҲОШИМОВ олган суратлар.



Маълумки, бир неча йилдан буюн республика миқёсида «Ёш китобхон» танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов натижасида билимдон, зукко, ўқимишли ёшлар аниқланиб, муносиб тақдирланмоқда.

Бу йилги танловнинг туман босқичида ғолиб бўлган 42-мактабнинг иқтидорли ўқувчиси Нурбек Мирзаусмонов вилоят босқичда муваффақиятли иштирок этиб, республикага йўлланма олди. Шу муносабат билан мактабда тадбир ўтказилди. Тадбирда туман ҳокими Р. Жўраев иштирок этиб, 10-14 ёшли китобхонлар ўртасида вилоят босқичида ғолиб бўлган Н. Мирзаусмоновни табриклади ва эсдалик совғалари топширди.

СУРАТДА: тадбир жараёни.

«ЁШ КИТОБХОН» ҒОЛИБИ



НАВОЙНИ ЁД ЭТИБ



Ўзбек адабий тилининг асосчиси, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан туманимизда ҳам турли адабий-бадiiй кечалар, маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

Туман 18-болалар мусиқа ва санъат мактабида Навоий ижодига ихлосманд жамоатчилик вакиллари тўпланишди. Навоий ижодига бағишланган мусиқий, адабий-бадiiй кечада шоир ғазаллари ўқилиб, унга басталанган сара қўшиқлар ижро этилди. Мактабнинг ўстозлари ва ўқувчилари ижросидаги чиқишлар олқишлар билан кутиб олинди.

Тадбирда туманимизда ижод қилаётган ёш шоирлар ўз шеърларидан намуналар ўқиб беришди. Ғазалхонлик, куй-қўшиқ, саҳна кўринишлари кўпчилида яхши таассурот қолдирди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари О. Алиматов иштирок этди.



Т. ҲОШИМОВ олган суратлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲИСОБОТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТОПШИРИШНИ УНУТМАНГ

Туманимизда фаолият кўрсатаётган ташкилий-ҳуқуқий шакли: жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса, уюшма (иттифок) бўлган нодавлат-нотижорат ташкилотлари, халқаро ва чет эл нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари **1-нnt shakli** йиллик нодавлат-нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги 2021 йил ҳисоботини 2022 йил 2 мартдан кечиктирмай **eStat 4.0** дастури орқали тақдим этишларини сўраймиз.

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

5-мактаб томонидан 2011 йилда Ёқубова Чарос Шарифжон қизига шу мактабнинг 11-синфини битирганлиги ҳақида берилган О`R-SH № 1106968 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

30-мактаб жамоаси шу мактаб фахрий ўқитувчиси И. Охуновга укаси, ўқитувчилар И. Давронова, М. Охунова, Н. Кенжаеваларга амакиси

Абдубаннон КЕНЖАЕВ

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
BESHARIQ TUMANI
HOKIMLIGI

Tuman hokimligining rasmiy veb-sayti www.beshariq.uz



Bosh muharrir
Sobirjon TEMIROV

Mas'ul navbatchi
Rahimjon MIRZAQULOV

Sahifalovchi
J. NORMATOV

Tahririyat manzili:
150301. Beshariq shahri,
Cho'lon ko'chasi, 22-uy.
beshariqtongi12@gmail.uz

Telefonlar:

Muharrir: (73) 612-14-12
Hisobchi: (73) 612-14-13

Gazeta tahririyat komp'yuterida terilib, sahifalandi va «Andijon nashriyot-matbaa» MChJ bosmaxonasida ofset usulida chop etildi.

Bosmaxona manzili: Andijon shahri, Navoiy shohko'chasi, 71-uy. Nashr ko'rsatkichi - 7577.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligining Farg'ona viloyat hududiy boshqarmasida 9.01.2007 yilda 12-021 raqami bilan ro'yxatga olingan.
Bichimi: A-3. Adadi 6638
Buyurtma:
Topshirish vaqti: 14.00
Topshirildi: 15:00